

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА–ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

АРХИТЕКТУРА ФАКУЛЬТЕТИ
«Ландшафт дизайни ва интерьер» кафедраси

5150900 – «Дизайн» йўналиши бўйича
бакалавр диплом лойиҳа ишининг

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Мавзу: Тошкент вилояти Юсуфхона қишлоғидаги 300
ўринли сайёхлар масканининг ландшафт дизайни ва
интерьер ечими

Битирувчи: Акбаров Сарвар Эркин ўғли

(имзо, Ф.И.Ш.)

Раҳбар: Саидов А.А.

(имзо, Ф.И.Ш.)

Тошкент - 2016

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
Архитектура факультети Дизайн йўналиши
5-12 Дү гуруҳи

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
«Ландшафт дизайни ва интерьери»
кафедраси мудири

«__» _____ 20__ йил

Диплом иши бўйича
Т О П Ш И Р И Қ

БИТИРУВЧИ: Акбаров Сарвар Эркин ўғли (Ф.И.Ш.)

1. Диплом иши мавзуси: Тошкент вилояти Юсуфхона қишлоғидаги 300 ўринли сайёҳлар масканининг ландшафт дизайни ва интерьер ечими

«15» апрел 2016 йилдаги № 143 буйруқ билан тасдиқланган

2. Диплом лойиҳасини бажариш учун маълумотлар

3. Тушунтириш хатида келтириладиган маълумотлар:

а) Архитектура қисми

б) Бадиий-дизайн қисми

в) Атроф муҳит экологияси қисми

г) Фойдаланилган адабиётлар рўйхати _____

4. График материал рўйхати (мажбурий чизмалар ва масштаб кўрсатилиши билан)_____

5. Диплом лойиҳаси қисмлари бўйича консультантлар

№	Диплом лойиҳаси қисмлари	Бошланиш муддати	Тугалланиш муддати	Имзо	Маслаҳатчининг фамилияси
1.	Архитектура				Сайфуддинов С.
2.	Бадий-дизайн				Саидов А.
3.	Атроф муҳит экологияси				Самигов Н.

6. Топшириқ берилган сана_____

7. Тугалланган диплом лойиҳасини топшириш санаси_____

Диплом лойиҳаси раҳбари: Саидов А.А._____

Кафедра мудири: Ветлугина А.В._____

М У Н Д А Р И Ж А

бет:

1. Кириш.....
2. Архитектура қисми.....
3. Бадиий-дизайн.....
4. Атроф муҳит экологияси.....
5. Фойдаланилган адабиётлар.....
6. Хулоса.....

Кириш

Узбекистон мустакиллиги шароитида иштимой ишлаб чиқарувчи кучлар, Фан, маданият, техника тараққиёти шунингдек у билан боғлиқ кенг кулагдаги қурилиш ва меъморчиликнинг раваки ҳам содир бўлмоқда.

Узбекистон республикаси Президенти И.А.Каримов ижод ахлини тайёрлаш тизимини яхшилаш соҳасига алоҳида эътибор бермоқда. Ижтимоий- маданий ва техникавий прогресс мутахассислар тайёрлаш мактаби олдида кенг миқёсдаги вазифалар турибдики, уларни мутахассислар тайёрлашда умуммаданий савиясини юксалтириш, мустақил равишда архитектура-дизайн ва қурилиш муаммоларини ечиш ишларини амалга ошириш талаб қилинмоқда.

Меъморларни тайёрлаш мазмуни йилдан-йилга мураккаблашиб бормоқда, бу иш умуман жамият ривожига билан ҳам боғлиқ, бунда Фан –техника, маданият, маънавият , ишлаб чиқариш маданияти, шунингдек ишлаб чиқариш унумдорлиги, ривожланиш меъмори билан боғлиқ.

Олий мақомда тайёрлаш иши бакалавр аввало ижодий шахсни тайёрлаш, унда ранг-баранг тасаввурларни шакллантириш, илм ахли

даражасида меҳнат ва фикр юргизадиган инсонни вояга етказиш, шунингдек ишлаб чиқаришни бошқариш, муаммал масалаларни очишда, айниқса меъморий ва шаҳар қурилиши соҳасидаги вазифаларни тушунадиган мутахассислар тайёрлаш ҳозирги куннинг вазифаларидир.

Ёш ижодкор дизайнерларни тайёрлаш жамият ривожига билан ҳам боғлиқ. Бунда фан-техника, маданият, маънавият, ишлаб чиқариш маданияти, бадиий маданият шунингдек ишлаб чиқариш унумдорлиги ривожланиш меъёри билан боғлиқ.

Бадиий маданият мураккаб тизимдан иборат бўлиб, унда санъат турлари муҳим урин тутди. Санъатнинг айрим турларга бўлиниб кетганлиги узок давом этган тарихий таракқиёт ҳосиласи бўлиб, қадимда бадиий фаолият соҳаларига, турларга бўлинмаган эди.

Кейинчалик санъатнинг бир неча турлари қарор топди. Шунингдек бу билан боғлиқ халқ ҳужалик ишларини ривожлантириш, капитал қурилиш, шаҳар ҳужалигини бошқариш билан боғлиқ муаммолар ҳам шаклланди.

Олий мақомда дизайнерларни тайёрлаш иши (бакалавр) аввало ижод шахсини тайёрлаш, ундаги ранг-баранг тасаввурларини шакллантириш, илм аҳли даражасида меҳнат ва фикр юргизадиган

инсонни вояга етказиш, ишлаб чиқаришни бошқариш мукаммал масалаларни ечишда, айникса яратувчанлик соҳасидаги вазифаларни тушинадиган мутахассислар тайёрлан ҳозирги куннинг вазифаларидир.

Ёш ижодкор дизайнерларни вояга етказишда бадиий ечимларнинг янги услубларини куллаш, унга ижодий ёндошиш, бу жараёнда олий бадиий дизайн мактаб ёшлар учун зарур шарт шароитлар вужудга келтириши ёш мутахассисларнинг меҳнат фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантириши зарур.

Меъморларнинг жамиятдаги қўл қиррали меҳнат фаолияти, гоёвий асос, мафкурага суянмаган бўлса, моҳияти камаяди, ундаги ижодий асос сусаяди, аклий ечим ва бадиий ечим уртасида тафовут шаклланади. Ижтимоий жараёнлар ва ижтимоий фаолиятни мақсадга мувофиқ тарзда макон ва замонда бадиий қонуниятлар асосида ечиш талаби конструктив ва техник воситаларни жалб қилишни тоқозо этади. Техника, ҳамма санъат меъморий бадиий асарларни вужудга келишига бир-бири билан боғлиқ ҳолда ҳаракат қилади.

Ишлаб чиқариш муҳитини эстетик жиҳатларини вужудга келтириш, унга “маънавий қадрият” мақомини бериш дизайн (саноат

эстетикасига) оид расм чизмалар, моделлар, безаклар воситасида ҳам амалга оширилади.

Хозирча эстетик адабиётда дизайннинг ягона ҳаммабоп яхлит коидага айланган илмий таърифи яратилмаган. Лекин купчилик тадқиқотчилар дизайн бадий техник фаолият туридир, деб қарашга мойилдирлар.

Дизайн мазкур тушунча маъносида бадий-техник фаолият мухитини яратишдир. Бадий техник фаолият мухити деганда дизайннинг узини эмас, унинг мохиятли асосини англаймиз. Дизайн амалиёти махсус илмий укув соҳаси булган техник эстетикани ҳаётга олиб қирди. инсон бадий техник фаолиятини хусусиятларини ва қонунгяатларини очиб бериш техника эстетикаси дизайн вазиқасидир.

Техник эстетика узининг тарқибий томони билан бевосита дизайнга қоришиб қетади. Айни маҳалда техник эстетик уз мавзуи хусусиятларини умумлаштириб берувчи назарий ҳамда услубий томондан ҳам мавжуддир. Дизайн эса дунёқарашга ҳам тааалукли булиб у умумий эстетик назарий окимиға қелиб қуйилади. Бу ерда дизайннинг махсус фаолият тури сифатидаги хусусиятлари, дизайн ва санъатнинг узаро муносабатлари саноат махсулотларини ишлаб

чикаришда бадиий ижод иштироки, уларнинг уртасидаги умумийлик ва фарқлар техниканинг эстетик жихозланиши ва эстетик кимати каби муаммолар тахлили эстетик фаолият учун куп самаралар бериши мумкин.

Барча меъморий сохаларда билим ва ижодий тажриба, касбий-назарий билим мукамаллиги ва мажмуасига асосланади. Меъморий лойихалаш алохида касбий билим булиб, кун сайин усиб борадиган шахарсозлик, саноат, ишлаб чикариш, яшаш бинолари меъморий ранги, уларнинг ички гузаллиги билан шугулланадиган фандир. Меъморий лойихалаш тажрибалари узаро боглик булган уч гурух фан мухандис-курилиш, меъморлик ва бадиий кабуллаш асоссида шаклланади.

Дизайнда мухандислик, илмий ва бадиий фаолият коришган холда намоён булади, лекин дизайн уларнинг бирортасига айланиб колмайди.

Дизайн моддий ишлаб чикариш мухитини эстетик кайта куришга хизмат килади. Дизайн саноатини лойихалаш ва ишлаб чикаришни уюштиришда, чизмалар, расмлар, моделларнинг максадга мувофикликни ва технологик фойдалилигини хисобга олиш фаолиятинингажралмас кисмидир.

АРХИТЕКТУРА

БЎЛИМИ

Консультант: Сайфуддинов С. _____
(Ф.И.Ш., имзо)

Маъсул раҳбар: Саидов А.А. _____
(Ф.И.Ш., имзо)


Битирувчи: Акбаров С.Э. _____
(Ф.И.Ш., имзо)

Бош тарҳ ечими

Архитектуравий лойиҳа қисмини яратишда умумий тушунча ҳосил қилиб, бунда асосан: лойиҳалаштирилаётган биноларнинг типологик, конструктив ва архитектуравий ечимини ҳал этилди.

Бинони лойиҳалашда қурилиш меъёрий қоидаларига (ҚМҚ) риоя қилинди. Бинонинг архитектуравий ечими унинг турини акс этиб туришни ва эксплуатация учун қулай бўлиши лозим.

Лойиҳа ишини бажаришга киришишдан олдин адабиётлар, назарий материалларнинг мазмуни билан тўлиқ танишиб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.



Лойиҳа ишини бажаришда мавжуд бинолар ва лойиҳалар билан

танишиш топшириқни бажаришда амалий ёрдам бўлади.

Юқорида айтиб ўтилгандек лойиҳа таркиби билан танишгандан сўнг, унинг моҳияти ва типологиясини ўрганиб чиқилади. Бинонинг хоналарини шундай лойиҳалаши керакки, улар хизмат кўрсатувчи ходимлар ва фойдаланувчиларга ҳар томонлама қулай ва қурилиш меъёрларига риоя қилган ҳолда тартиб билан жойлашишини таъминлаши шарт.

Бинони лойиҳалашда тарз, тарх, перспектива ва умумий композицион кўриниш эскизларини комплекс ечишга уриниш мақсадга мувофиқ.

Бино ва иншоотларнинг ташки кўринишида иклим шароитимиз, миллий анъаналаримиз, мазмун ва шакл бирлиги, мавжуд бинолар билан уйғунлашиш масалаларини ечиш билан амалга оширилиши лозим. Бундан ташқари охириги йилларда халқаро талабларга жавоб берадиган, ўзига жалб этадиган хилма – хил ташки пардозбоп материаллардан кенг фойдаланиш ҳисобига ҳам амалга оширилмокда.

Бинода ишлатиладиган материалларнинг ва конструкцияларнинг умумий ҳажмида, темир – бетон конструкцияларининг ўрни жуда салмоқлидир. Бу

конструкцияларнинг узок йиллар хизмат килишида Республикамизнинг иклим шароити, айникса йил давомида 2500 соатдан кўп таъсир этувчи куёш радиацияси, харорат ва хаво намлигининг салбий таъсири сезиларли хисобланади.

Мен лойиҳалашга таклиф этаётган “Сайёхлар Маскани” Тошкент вилояти Бустонлик тумани, Чимён кишлок фукаролар йиғинида жойлашган.

Лойиҳаланган бино 90000м² жойни эгаллади.

Конструктив асосда пойдеворлар бир хил чуқурликда ётиши керак. бинода пойдевор яхлит плита шаклида бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Йиғма лентасимон пойдеворлар ҳар қаторига 4-10 донагача диаметри 8-12 мм бўлган узлуксиз арматура билан таъминланади

Каркасли биноларда меъёрий хужжатларга асосан (ҚМҚ) махсус сейсмик боғлар, бино баландлиги ва эни бўйича вертикал монолит диафрагмалар жойлаштирилади.

Пойдеворлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- Мустаҳкамлик;
- Устиворлик;

- Узоқ муддатга чидамлилиқ;
- Совуққа чидамлилиқ;
- Ер ости сувларига чидамлилиқ;
- Индустриал талаблар;
- Иқтисодий талаблар.

Конструктив асосида объект лентасимон пойдеворда номунтазам шаклда ечилган

Бу турдаги пойдеворлар узлуксиз лента шаклида бўлиб, бино юк кўтарувчи деворларининг давомидир.

Бундай пойдеворлар замин унча чуқур бўлмаган холларда, бино ертўлали бўлганда, бўш заминга бино қуришда, шунингдек нотекис чўкишлар ердан баланд қисмида билиниб қоладиган бинолар қуришда қўлланилади.

Кўндаланг кесимининг кўринишига кўра, тўғри тўртбурчакли, трапециясимон, зинасимон ва йиғма ёстикли бўлади (11 - расм).

Лентасимон пойдеворлар бинодан тушадиган вақтинча ва доимий кучларни кўтариб турувчи конструкция бўлиб қолмай, бино ертўла хоналарини ҳимояловчи конструкция ҳам ҳисобланади.

Лентасимон пойдеворларнинг тархдаги ва кесимдаги шакли, бинодан заминга тушадиган зўриқишларни бир текисда тарқалишини таъминлаши керак.

Лентасимон пойдеворларни сиқилиш моделига кўра деформациялар бўйича ҳисобланганда заминга таъсир этувчи норматив босимни $0,2-0,25 \text{ Па см}^2$ дан $0,4-0,45 \text{ Па см}^2$ гача кўпайтириш имконини берувчи пойдеворларни ҳисоблаш янги усуллари мавжуддир. Бу усул пойдевор ёстикларнинг энини кескин камайтириш ва материаллар сарфини пасайтириш имконини беради.

Оммавий қурилиш шороиtida энг кўп тарқалган йиғма темир-бетон конструкциялар, пойдевор ёстиклари ва пойдевор блоклари ҳисобланади. Бундай конструкциялар М100-М200 бетонидан тайёрланиб оғирлиги 3т гача бўлади.

Лентасимон пойдеворларнинг замонавий индустриал тури йирик ўлчамли, йирик панелли уйсозликда қўлланилган фермасимон пойдеворлар ҳисобланади

Енгил темир бетон конструкция қўлланилган. Колонналарни (устунларни) енгил темир-бетонли арматурадан бўлади. Бу ердаги қўлалик объектнинг колонналарини қайта ечим-йиғиш мумкин.

Зиналар монолит темир-бетон, плитка. Тўсиқлар – енгил темир/бетон ва ғишт. Том эса енгил фермадан иборат. (обрешетка, тахта, лой сувоқ) Том қопламаси тунука.

Деворлар- ғиштли ва гипскартон билан қопаланди.

Пол – кафель, паркет

Ойналар- алюмин ром,

Эшиқлар – ламинат, ойна

Деворнинг ташқи безағи – ойна, профил, алюкобонд

Деворнинг ички безағи – обои, фактурали штукатурка

Шифт – гипсокартон, бўёқлар

Бинонинг композицион ечими қаватлар баландлиғи ўзғариши билан поропет ёрдамида умумий шаклга бўсиндирилган.

Каркас – французча сўз бўлиб, скелет маъносини англатади. Бино каркасли юк кўтарувчи, ўзаро бир – бири билан бирлаштирилган пойдеворлар, устунлар (колонна), тўсинлар (ригеллар, блоқлар, фермалар) ва ёпмалар мажмуидан иборатдир. Каркас рамалардан ташкил топган.

Ўзаро бир – бири билан каттик ёки шарнирли боғланган геометрик ўзгармас, вертикал ва горизонтал стерженсимон элементлардан ташкил топган системага рама деб аталади. Иккита рамани ёппа билан боғлаб каркас ҳосил қилинади.

Материалларига кўра – пўлат конструкциялардан, темир – бетон конструкциялардан, ёғоч синчли каркаслар.

Каркасли конструкция биноларнинг асосий тархий – ҳажмий кўрсаткичлари

1. Оралик (пролёт) – асосий горизонтал (тўсин) конструкция узунлигининг йўналишига параллел, икки таянч устунлар орасидаги бўйлама масофа.

2. Устунлар қадами – устунлар орасидаги кўндаланг масофа.

3. Баландлик – кўп қаватли каркасли конструктив биноларда қаватлар поллари орасидаги масофа.

Пролёт ва устунлар қадами ўлчамлари устунлар тўрини ташкил килади. Оммавий қурилишда 6х6, 6х4.5, 6х3, 9х6 м устун турлари қўлланилади. Катта ўлчам оралик узунлигини белгилайди.

Каркас конструкцияли бинолар (ККБ)

- а)** бино мустаҳкамлигига қўйиладиган талаблар ошган ҳолда;
- б)** оралик деворлар ўрнатилиши кўзда тутилмаганда;
- в)** тархий – ҳажмий ечимни вақти – вақти билан ўзгартириш зарур бўлган ҳолларда бунёд этилади. Кўпинча ККБ лар жамоат, саноат ва аграр саноат эҳтиёжлари учун хизмат килади.

Афзалликлари – тезкор унификацияланган тайёр конструкциялардан қурилиши, мустаҳкамлиги, зилзилабардошлиги ички тарихий – ҳажмий ечимларнинг ўзгартириш мумкунлиги ва х.к.

Каркасининг мустаҳкамлиги ва устиворлиги элементларнинг рамали, алокали ва рама – алокали. Конструктив схемалар қўлланилиши билан таъминланади.

Концепция: инсоннинг замонавий яшаш образи шакллантириш, гармоник муҳитни яратиш

Асосий мақсад: Янги услубда тарз ечими, дизайн ечимини курсатган холда инсонларни дам олиши учун юкори даражада кулайлик яратиш

Архитектуравий концепция шакли: турар жой биноси, максимал ландшафт киритилган, тархнинг асосидан келиб чиқиб худудга жавоб берадиган тарх-хажм ечилган.

Ландшафт дизайни: Ички муҳитдан келиб чиқиб композицион муҳит ташкил этилган.

БАДИЙ-ДИЗАЙН

БЎЛИМИ

Консультант: Саидов А.А. _____
(Ф.И.Ш., имзо)

Маъсул раҳбар: Ветлугина А.В. _____
(Ф.И.Ш., имзо)

Битирувчи: Акбаров С.Э. _____
(Ф.И.Ш., имзо)

Бош тархнинг бадиий ечими

Бош тахрнинг бадиий ечими ҳар томонлама қулай ва ихчам қилиб лойиҳаланган. “Сайёхлар маскани” 12 қаватлидан иборат бўлиб, у ерда маданий хордиқ чиқариш учун ҳамма шароитлар мавжуд. “Сайёхлар маскани” ҳар тарафида арчалар, турли туман гуллар, бутасимон арчалар ўз ифодасини топган.

Бинонинг олд тарафида катта дарахтлар ўсганлиги сабабли, бинони манзарага боғлаган ҳолда лойиҳаланди. Автомобилда келувчи сайёхлар учун тўхташ жойи ҳам ажратилган Юриш йўлакчаларига плиталар ётқизилган, баъзи жойлари асфалт қилинган. Майдоннинг атрофи замонавий талабларга жавоб берадиган ҳолда ўт билан қопланган






Бинонинг тарзий ечими

Бинонинг тарзий ечими *Модерн* усулда (рухда) ифодаланган бўлиб, ҳозирги давр талабларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштирилган.


Бинонинг меъморий режалашда маълум шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда ихчам, кўримли қилиб қурилган. Бинода камалак рангларидан фойдаланиб, чимён ён багрларидан янада гузаллаштириб, яшил урмондан ажратиб бино билан ўзаро уйғунлаштиришга ҳаракат қилдим. Бинонинг безагига табиий гранит, тошлардан фойдаланилган.

Бинога табиий ёруғлик яхши тушиши учун ойналар қулай қилиб ўрнатилган.



Ландшафт архитектураси ва дизайни, унинг муҳим тармоғи ҳисобланган боғ-истироҳатчилик санъатининг ўзига хос ёрқин хусусияти – бу уларни намоён қилишда қўлланиладиган “қурилиш материаллари”дир. Булар сафига энг аввало ўсимликлар дунёси, сув дунёси, ер тошлар ва умуман жой рельефининг барча хусусиятлари киради. Айнан шу материаллар очик фазовий муҳитни шакллантиришда асосий манба ҳисобланади. Анъанавий қурилиш материаллари очик муҳитни шакллантиришда муҳим бўлсада, бироқ ёрдамчи рол ўйнайди. Ландшафт меъмори гўё тирик табиат билан ишлаётгандек бўлади, асосан шу табиат элементларидан фойдаланиб

инсон эҳтиёжи учун муҳит яратади. Бунда у табиий элементлар ва атроф муҳитга иложи борича кам таъсир кўрсатишга ҳаракат қилади.



Тарздаги ёзув.

Бино хоналарининг бадиий ечими

Хоналарнинг ички манзараси уни қуршаб турган ташқи муҳит билан боғлиқ. Жазирама ёз кунларида ташқаридаги салқин ҳаво ичкарига кириши мақсадида, хонани иссиб кетмаслигини олдини олиб катта ойналар қўйилган.



Ички хоналарнинг беағи Модерн услубда ечишга ҳаракат қилинган. Тарзда куллаган рангларимни ички муҳитдаҳам куллашга ҳаракат килдим. Деворлар гипсокартон, турли туман элеменлар тузилиб, боғланган. Хоналарнинг ранглари инсонларнинг руҳиятига ноҳуш таъсир қилмаслиги учун ёрқин ранглар танланган. Хоналар

янада ёруғ ва катта бўлиб кўриниши учун кўп чироқлардан фойдаланилган. Шифт оқ рангда безатилган

Хона деворларининг ба

ъзи деворларига фойдаланиш учун мослаб ишлов берилган, баъзи жойларда уларнинг хона безак беришни мўлжаллаб, кўркам қилиб ишланган.

Баъзи хона деворларига ҳар хил расмлар туширилган ва чизилган. Шифтлари эса модерн услубда ишланган. Хоналар инсонларга жуда қулай, ортиқча буюмларсиз шарт-шароитлари билан безатилган.



Кучли руҳий восита бўлмиш ранглар ҳам ёрқин руҳиятни кўтарувчи иссиқ ва совуқ рангларни бир-бири билан уйғунлаштириб ишланган. Баъзи хоналарда 2-3 хил ранглардан фойдаланилган. Хусусан, ёруғ оламнинг фонийлиги борасидаги фалсафа билан боғлиқ талқинлар ўзгача қизиқиш касб этади. Масалан: гуллаган боғ рамзини ҳаётнинг гўзаллиги, бахт, фаровонлик каби сифатларга боғланган. Тўлқинли ўсимлик пояси тинимсиз, ижод ва табиат таровоти, тўлқинлар, шиддатли ҳаёт оқими, гул эса ёруғ олам гўзаллиги, бу гўзалликнинг гул умри сингари ўткинчилиги ва ҳокозо ифодаларни

англатган.



Хоналарнинг ички қисмларини безашда оддийлик, безак ишларида янгича талқинлар пайдо бўлди. Тасвирни ижро этишда ҳам сифат ўзгаришлари кўзга ташланади, ортиқча безаклар йўқотилди, бўёқ ранглари ёрқин тус олди.

АТРОФ МУҲИТ ЭКОЛОГИЯСИ

БЎЛИМИ

Консультант: Самигов Н. _____
(Ф.И.Ш., имзо)

Битирувчи: Акбаров С.Э. _____
(Ф.И.Ш., имзо)

Тошкент вилояти Бустонлик тумани, Чимён кишлок фукаролар йигинида жойлашган лойиҳасининг экологияси.

Лойихаланган бино Бустонликнинг шимолий қисмда жойлашган. Бу ерда урмонлар, баланд дарахтлар, бутасимон арчалар кўп.. Иқлими мўътадил бўлади.Об-хавоси кундузи иссик кечаси салкин. Бу ерда баҳор апрелда бошланади. Энг юқори харорати июн-июлда +25 +35 градусгача. Лойихаланган бино тоғ атрофида жойлашгани сабабли бу ерда хавоси тоза, шифобахш усимликларга бой. Лойихаланган бино яшил экинларга ва атрофдаги ифлосликлар чиқарилмайди. Инсонлар соғлиғига зарарсиздир ва атроф муҳит зарарли чиқиндилар билан ифлосланмайди.

Лойихаланган Сайёхлар Маскани атрофига манзарали дарахтлар, инсон соғлиғига зарарсиз бўлган турли хилдаги гуллар ва арчалардан фойдаланилган. Иссик кунларда бинонинг атрофини салқинлаштириш мақсадида декоратив фаввора жойлаштирилган. Бу фавворадан келаётган сув инсонларга ҳаётига зарарсиздир, чунки фавворага келаётган сув ер остидан олинган бўлиб, тозалаш мосламаси (фильтр) ёрдамида юқорига чиқарилади.

Қурилиш вақтида қулай муҳитни яратиш мақсадида ташкил этилган майдон баландлиги уч метрлик девор, совуқ сув, сув

узатувчи қувурлар, электр, радио ва алоқа тармоқлари, электр тақсимлагич, хожатхона, ювиниш хоналари, овқат чиқиндилари учун копокоғи маҳкам ёпиладиган қути ва ахлат қути билан таъминланган. Буларнинг барчаси санитария меъёрлари ва қоидаларига риоя қилган ҳолда ўрнатилган.

Қурилиш материаллари экологик тоза ёки ўзидан зарарли моддаларни чиқармайди. Қурилиш ва таъмирлаш учун хавфсиз, экологияда кам таъсир этувчи материалларни танлаш лозим деб ўйлайман. Шу сабабли реконструкция қилинаётган бинонинг қурилиш материалларидан танлаётганда инсон соғлиғига, атроф муҳити ва экологиясига таъсир қилмайдиган гранит ва кафелдан фойдаландим.

Кўпроқ табиий экологик қурилиш материалларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, чунки қадимда инсонлар экологик табиий материалдан фойдаланишга ҳаракат қилишган.

Мен лойиҳалаётган ишимда асосан табиий қурилиш материалардан-бетон, ғишт, ойна ва бошқалардан фойдаланишга ҳаракат қилдим. Шунингдек қурилиш вақтида ишчиларга қулайлик яратиш ва уларнинг хавфсизлиги таъминлаш мақсадида қуйидагиларга эътибор қаратилган:

Ишчилар учун вақтинчалик ечиниш кийиниш, дам олиш учун махсус вагончалар ажратилган бўлиб, умумий канализация, сув таъминоти ва электр таъминоти билан таъминланган. Ишчилар махсус химоя воситалари билан таъминланишга эътибор берилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И.А. Каримов. “Юксак маънавият енгилмас куч” Т.: “Ўзбекистон”, 2009й
2. С.С.Ожегов., А.С. Ўролов., К.Ж Рахимов “Ландшафт архитектураси ва дизайни”. Самарқанд, 2003 й.
3. Адилова Л.А. Ландшафт архитектураси. Тошкент, 2009 й.
4. Справочникпроектировщика М.: 1996 г.
5. Архитектура общественных зданий. М.: Стройиздат, 1998 г.
6. Жирнов А.Д. Искусство паркостроения. Львов. Высшая школа,1977г.

Фойдаланилган сайтлар:

7. [www. google.ru](http://www.google.ru) “Ўзбекистон экологияси”
8. [www. google.ru](http://www.google.ru) “Тошкент шаҳар экологияси”

Хулоса

Дизайн мазкур тушунча маъносида бадиий-техник фаолият мухитини яратишдир. Бадиий техник фаолият мухити деганда дизайннинг узини эмас, унинг мохиятли асосини англаймиз. Дизайн амалиёти махсус илмий укув соҳаси булган техник эстетикани ҳаётга олиб кирди. инсон бадиий техник фаолиятини хусусиятларини ва конунгиятларини очиб бериш техника эстетикаси дизайн вазифасидир.

Техник эстетика узининг таркибий томони билан бевосита дизайнга коришиб кетади. Айни маҳалда техник эстетик уз мавзуи хусусиятларини умумлаштириб берувчи назарий ҳамда услубий томондан ҳам мавжуддир. Дизайн эса дунёкарашга ҳам тааалукли булиб у умумий эстетик назарий окимиға келиб куйилади. Бу ерда дизайннинг махсус фаолият тури сифатидаги хусусиятлари, дизайн ва санъатнинг узаро муносабатлари саноат махсулотларини ишлаб чиқаришда бадиий ижод иштироки, уларнинг уртасидаги умумийлик ва фарқлар техниканинг эстетик жихозланиши ва эстетик кимати каби муаммолар тахлили эстетик фаолият учун куп самаралар бериши мумкин.

Барча меъморий сохаларда билим ва ижодий тажриба, касбий-назарий билим мукамаллиги ва мажмуасига асосланади. Меъморий лойихалаш алохида касбий билим булиб, кун сайин усиб борадиган шахарсозлик, саноат, ишлаб чикариш, яшаш бинолари меъморий ранги, уларнинг ички гузаллиги билан шугулланадиган фандир. Меъморий лойихалаш тажрибалари узаро боглик булган уч гурух фан мухандис-курилиш, меъморлик ва бадий кабуллаш асоссида шаклланади.